9 (443)

2005 йил 2 март

Чоршанба

ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2 ▶ Шижоати баланд аёллар!

▶ "...Халқим юрагига сафар мен билан."

3 ▶ "Наргиз"нинг беминнат хизмати

▶ Мусулмончиликдан йироқ Мусулмон...

4 ▶ Сополлитепа сополданмиди?..

▶ Эр-хотинни уриштирган ...қўғирчоқ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

2005 йил 5 март шанба дам олиш кунини 2005 йил 7 март душанбага кўчириш тўғрисида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ҳамда меҳнаткашларнинг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2005 йил 5 март шанба дам олиш куни 2005 йил 7 март душанбага кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2005 йил 28 февраль

Шахмат

ФИДЕНИНГ ТАРИХИЙ ҚАРОРИ

Грузияда ўтказилган Халқаро шахмат федерацияси президентлар кенгаши йиғилишида тарихий қарор қабул қилинди. ФИДЕ мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш учун супертурнир ташкил этадиган бўлди ва раҳбарият турнирни ўтказиш тартиби ва вақтини аниқ белгилаб олди.

ФИДЕ раҳбариятининг қарорига кўра, 2005 йилнинг октябрь ойида мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш учун саккиз нафар энг кучли гроссмейстер иштирокида икки даврали супертурнир ўтказиладиган бўлди. Мазкур мусобақа ғолиби эса мутлақ жаҳон чемпиони, деб эътироф этилади.

Мутахассислар мазкур супертурнирга амалдаги жаҳон чемпиони Рустам Қосимжоновни ва ФИДЕ рейтингида энг юқори поғонани эгаллаб турган гроссмейстерлар - Майкл Адамс (Англия), россияликлардан - Владимир Крамник, Гарри Каспаров ва Александр Морозевич, Петер Леко (Венгрия), Вишванатан Ананд (Ҳиндистон) ҳамда Веселин Топаловни (Болгария) таклиф қилишни режалаштирмоқда.

Маълумотларга қараганда, номи зикр этилган шахматчиларга 15 мартга қадар супертурнирда иштирок этиш учун шартномалар юборилади. Агар кимдир мусобақада қатнашишни истамаса, унинг ўрнига рейтинг жадвалида кейинги ўринда турган шахматчи таклиф этилади.

Хуллас, мутлақ жаҳон чемпионини аниқлаш бўйича деярли барча масала ҳал этилган. Фақат мазкур турнирга мезбонлик қиладиган шаҳар аниқ эмас. Ҳозирча, ФИДЕ турнир мезбонини аниқлаш бўйича тендер эълон қилди. Шартга кўра, мусобақанинг мукофот жамғармаси энг камида 500 минг АҚШ доллари миқдорида бўлиши керак. Лекин мутахассислар бу жамғарма ярим миллион доллардан ошиб кетиши мумкинлигини таъкидлашмоқда.

Айни пайтда Элиста (Россия), Тбилиси (Грузия), Ереван (Арманистон) ҳамда Сингапур (Сингапур) шаҳарлари тарихий турнирга мезбонлик қилиш ниятида эканини маълум қилган. Тендер 15 апрелгача давом этади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА шарҳловчиси.

ЯНА БАҲОР КЕЛДИ, БАЙРАМЛАР ФАСЛИ

...ҚАНЧА СЕВАР ЭДИНГ,
БАҒРИМ, БАҲОРНИ
ЎРИК ГУЛЛАРИНИНГ
ЭДИНГ МАФТУНИ.
ҲАР УЙҒОНГАН ҚУРТАК
ҲАЁТ БЕРГАН КАБИ
КЎЗЛАРИНГГА СУРТИБ
ЎПАРДИНГ УНИ.
МАНА, ҚИММАТЛИГИМ,
ЯНА БАҲОР КЕЛИБ,
СЕНИ ИЗЛАБ ЮРДИ,
КЕЗДИ САР-САРИ.
ҚИШНИНГ ЁҚАСИДАН ТУТИБ
СЎРАДИ СЕНИ,
УЛ ҲАМ ЁШ ТЎКДИ-Ю,
ЧЕКИЛДИ НАРИ...

ЗУЛФИЯ

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида:

МАҲАЛЛА ҚОНУНЧИЛИГИ у қандай бўлади?

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатимиз ҳаётини, хусусан, унинг ривожида муҳим аҳамият касб этилиши кутилаётган янги парламентнинг вазифаларини очиқ-ойдин кўрсатиб ўтдилар. Шунга кўра Қонунчилик палатаси фаолиятининг дастлабки даврларида юртимизнинг ўзига хос истиқбол кўринишларидан бири бўлган фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тизимига ҳам алоҳида эътибор берилаётганлиги бежиз эмас.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликнинг аҳволи ва истиқболлари" мавзусида бўлиб ўтган семинар палатанинг бундай фаолият кўринишининг энг биринчиси ва айни пайтда бу борада қизғин иш олиб борилишига комил ишонч белгиси бўлди, дейиш мумкин.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантириш" мавзусида маъруза қилди. Маърузачи Қонунчилик палатасининг фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунчиликни ривожлантиришдаги ўрни ҳақида сўз юритар экан, кўплаб нодавлат ташкилотлар, хусусан, "Маҳалла" жамғармаси, унинг "Mahalla" газетаси, фуқаролар йиғинлари вакиллари бу жараённинг самарадорлигини таъминлашда фаол бўлишлари зарурлигини алоҳида таъкидлади. Хусусан, ҳозиргача охирига етказилмай келинаётган фуқаролар йиғинлари фаолиятига оид баъзи бир меъёрий ҳужжатларни ҳозирлаш, унинг ҳукумат доирасида маъқулланишига эришиш масалалари, бу тизимга оид янги қонунлар керакми, керак бўлса, улар қандай бўлиши керак, бугунги кунда ҳаракатда бўлган мавжуд қонунлар янги таҳрирга муҳтожми, муҳтож бўлса, уларга қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади, деган саволларга жавоб бериш парламентнинг яқин кунлардаги режаларидан ўрин олади. Шунингдек, маърузачи Қонунчилик палатасида фуқароларнинг ўзини-ўзини бошқариш органлари фаолиятига оид қонунчиликнинг аҳволи, ҳаётдаги амалиётини ўрганиш юзасидан экспертлар гуруҳи тузилиши мақсадга мувофиқ бўлишини эътироф этди.

Семинарда Республика "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадойбоев "Маҳаллаларда ўзини-ўзи бошқариш амалиётига муносабат механизмлари ва муаммолари" мавзусида маъруза қилди.Маърузачи Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг бугунги кўриниши ва уни янада ривожлантиришга оид таклифлар хусусида тўхталди. Шунингдек, "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси Р.Акромов пойтахт маҳаллалари мисолидаги ўз фикрлари билан ўртоқлашди. Ушбу анжуманда иштирок этган мутахассислар, олимлар, фуқаролар йиғинлари ходимлари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

Андижон вилояти

ҚИШЛОҚДАН – ЖАҲОНГА

Қўрғонтепа туманидаги Чимён қишлоғида жойлашган автомат телефон станциясининг Қорасув шаҳридаги Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган рақамли телефон станциясига уланиши билан қишлоқ меҳнаткашлари ер курраснинг истаган нуқтаси билан боғланиш имкониятига эга бўлдилар.

— Бугина эмас, — дейди Қорасув шаҳар "Телеком" корхонаси раҳбари Ғанижон Худойберганов. — Биз бугунгача энг узоқ қишлоқлар ҳисобланган Намуна, Деҳқончек, Дўстлик қишлоқларида ҳам халқаро сўзлашув шахобчаларини очдик. Бундан кейинги вазифамиз барча чекка қишлоқларни халқаро алоқа тизимига улашдир.

Узоқбой САКСОНБОЕВ

Енгил атлетика

Осиёнинг энг кучли енгил атлетикачиларидан бири — юртдошимиз Любов Перепелова Грециядa ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро мусобақада 60 метрга югуриш бўйича маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медалга сазовор бўлди.

ЛЮБАНИНГ КУМУШ МЕДАЛИ

Л.Перепелова ўтган йили Афинада ўтказилган Олимпиада ўйинларида 100 метрга югуриш бўйича юқори натижа кўрсатиб, ярим финалга йўлланмани қўлга киритган биринчи осиёлик аёл спортчи бўлган эди.

ЎзА

Mahalla

— Яна нима дейди?

— Бувижонларнинг байрамлари яқинлашяпти! — дейди.

"Mahalla" хабарлари

Қашқадарё вилояти

АМФИТЕАТР ПОЙДЕВОРИГА ИЛК ҒИШТ ҚЎЙИЛДИ

ҚАРШИ. /ЎзА мухбири Аҳад МУҲАММАДИЕВ/. Юбилей муносабати билан Қаршида кўплаб замонавий иншоотлар барпо этилмоқда. Жумладан, шаҳар марказида қад ростлаяжак 2800 ўринли амфитеатр биносига илк ғишт қўйилди. Амфитеатр лойиҳасини «Ўзшаҳарсозлик» лойиҳалаш илмий-текшириш институти архитекторлари тайёрлаган. Шу ерда Қарши шаҳар тарих музейи ҳам жойлашади.

Тендерда ғолиб чиққан Талимаржон иссиқлик электр станцияси қурилиш бошқармаси бунёдкорлари бу ерда ишни жадал бошлаб юборди.

ЯНГИ МАЖМУА ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Президентимизнинг Республикада болалар спортини ривожлантириш тўғрисидаги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу ҳақдаги қарори бу муҳим соҳа истиқболида катта аҳамият касб этмоқда. Ҳатто чекка қишлоқларда ҳам янги, замонавий болалар спорт иншоотлари барпо этилиб, ёшларга етарли шароитлар яратиб берилаяпти.

Яккабоғ туманидаги Эски Яккабоғ қўрғонида ҳам барча талабларга жавоб берадиган янги болалар спорти мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди. Уни Китоб туманидаги "Қоратоғ" қурилиш-таъмирлаш корхонаси бунёдкорлари тендер асосида "Болалар спортини ривожлантириш" жамғармаси вилоят филиали ҳисобидан барпо этишмоқда. Иншоотдан 360 ўринли стадион, 240 қатнашчига мўлжалланган спорт зали, волейбол, баскетбол, теннис, қўл тўпи майдончалари ўрин олади. Мажмуа учун 270 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Бу йил вилоятда биргина жамғарма маблағи ҳисобидан 11 та спорт иншоотини қуриш кўзда тутилган. 8 мактабда спорт зали, Қарши шаҳрида 20 минг томошабинга мўлжалланган ёпиқ стадион, Шаҳрисабз туманида "Ҳисор" марказий ўйингоҳи қошида гимнастика зали ҳамда сузиш ҳавзаси бунёд этилади.

Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги муносабати билан бунёд этилаётган объектлар рўйхатига кирган ёпиқ стадион қурилиши айни кунларда қизғин давом эттирилмоқда. Ўтган икки ой давомида бу ерда 400 миллион сўмдан ортиқроқ маблағ сарфланганлигининг ўзиёқ қурилиш нақадар жадал давом этаётганлигидан дарак бериб турибди. Стадион мустақиллик куни арафасида фойдаланишга топширилади.

Э.ҚУРБОНОВ

Қорақалпоғистон Республикаси

"ЭКОСАН" ПОЕЗДИ

Яқинда Нукуснинг темир йўл вокзалига "Экосан" халқаро жамғармасининг навбатдаги поезди келиб тўхтади.

Мазкур ёрдам поезди "Экосан" халқаро жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Темир йўллари компанияси билан ҳамкорликда ташкил этилган. Бу поездга 30 миллион сўмлик дори-дармонлар, тиббий асбоб-ускуналар, кийим-кечаклар юкланган бўлиб, улар асосан республикадаги ёрдамга муҳтож бўлган, кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган кишиларга, Меҳрибонлик уйларига ҳамда бир қатор шифохоналар ва поликлиникаларга берилади.

Собир ҚОЗОҚОВ, "Mahalla" мухбири.

Жиззах вилояти

САРҲИСОБДАН САБОҚЛАР

Яқинда Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлимининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда жамғарманинг туман ва шаҳар бўлинмалари раислари, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Пленумни Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раиси Муқум Ҳасанов очди ва "Маҳалла" жамғармаси вилоят бўлими раёсатининг 2004 йилги иш фаолияти юзасидан ҳисобот маърузаси тинглади. Ҳисобот даврида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари иш фаолиятининг такомиллашгани, давр талаблари даражасига кўтарилиши юзасидан самарали ишлар қилингани алоҳида таъкидланди. Пленумда "Сиҳат-саломатлик йили" дастурини бажаришда "Маҳалла" жамғармаси олдида турган муҳим вазифалар ҳақида фикр юритилди.

Маруза юзасидан "Соғлом авлод учун" жамғармаси вилоят бўлими раиси Н.Каримова, "Меҳр-шавқат ва саломатлик" жамғармаси вилоят бўлими раиси ўринбосари С.Одилова, вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи ўринбосари С.Дасанов, вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Э.Урунов, вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўлими бошлиғи У.Абдурахмонов, "Маҳалла" жамғармаси Бахмал тумани бўлинмаси раиси Э.Аҳмедов, Дўстлик тумани бўлинмаси раиси З.Рахматова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Пленумда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида **060** рақами билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи:148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

« M.A» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилади.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси таҳририятининг меҳнат жамоаси.

АЗИЗ МУШТАРИЙ! ГАЗЕТАМИЗГА АЙНИ КУНДА ҲАМ ЙИЛНИНГ ҚОЛГАН ҚИСМИ УЧУН ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА. 2005 ЙИЛДА "Mahalla"СИЗ ҚОЛМАНГ!

"...АЁЛ ўзи чўққидир бу кун..."

Халқимизнинг беназир шоираси Зулфия таваллуд топганига 90 йил тўлди.

Гўзаллик ва севги фасли — баҳорнинг тараннум этган шоира Зулфиянинг ўзи баҳор фарзанди эди. Мана бугун, баҳорнинг илк кунларида, юртимиз бўйлаб шоиранинг таваллуд куни муносабати билан мушоиралар, шеърият кечалари ўтмоқда, ардоқли шоирамизнинг Ватан, қуёш, ҳаётни тараннум этувчи шеърлари қалбларимизда ифтихор туйғусини таратиб янграмоқда.

СУРАТДА: *шоира Зулфия ижодкор дўстлари билан. Тошкент, 1975 йил.*

"Халқим юрагига сафар мен билан"

Кундан-кун саҳарга ортар соғинчим,
Наҳот ҳаёт шомим яқинлиги бу!
Салқин оромида йўқолар тинчим,
Демак шафақ мен-чун ёлқинлиги бу!

Наҳот умримдаги саҳарга завқлар
Тарк этиб излайман саҳардан нажот.
Бирдай эмасмиди йил, фасл, вақтлар
Недир ўтиб, недир келмайди наҳот.

Саҳар бу—ёшликдай борлиғи орзу,
Саҳар ўқилмаган ғаройиб китоб.
Наҳот умр олиб қўлга тарозу
Мендан кутар ҳалол, аниқ сарҳисоб?

Тўхта!
Нечун йиллар палласи вазмин,
Умрим эмасмиди ҳаётдан туҳфа!
Сарҳисоб чоғда ҳам ўзимда изин,
Посангисин ростлаш пайтимас, тўхта!
Кун фақат саҳармас, кундуз, шоми бор,
Кечпишар мевалар озми тупроғда!

Тўхта!
Тарозуга қўярдек куй бор
Ҳали саҳар сиёқ яшноқ дил-боғда.
Мен ахир саҳар чоғ таваллуд топдим,
Онам кўкси, азиз юртим ҳам саҳар.
Шеърга дил дафтарин саҳарлар очдим,
Эслайман:
Топганди севги қўйнидан
Мени тоғдан оғир ҳижрон ҳам саҳар.
Бугун шом устида ял-ял кулажак,
То умр борича саҳар мен билан.
Ҳар кун менга саҳар туҳфа этажак,
Халқим юрагига сафар мен билан.

ЗУЛФИЯ

Унинг изларидан зафар чечаклар бош кўтаради. Шўхчан жилғалар унинг товушига тақлид қилиб куйлайдилар. Атир ҳидли райҳонлар унинг нафасини соғиниб сим-сиёҳ тус оладди. Унинг нигоҳи тушган ҳар ерда чаманзорлар чирой очади. Борлиқ янада яшнаб, тонг саболари гул ва гиёҳлар исини димоққа етказган хуш чоғларда бир ёруғ ўй хаёлдан кечади: "Аёлнинг борлигига шукр!"

Аёл ўзининг гўзаллиги билан оламга кўрк беради, меҳри билан қалбларни иситади, муҳаббати билан юракларни безайди. У бекалик санъатини кўз-кўзлаб хонадонига қутбарака олиб киради, эзгупарварлиги боис фарзандлари онгига саодатмандликни жо этади, куйинчаклиги билан маҳалласи, юрти тақдирига аралашади, илми ва таланти билан эса жамият тараққиётига ҳисса қўшади!

Эндиликда Аёлнинг шижоати янада баландлаб, кучи ва ғайрати янада жўш ураётгандай, назаримда. Негаки, истиқлол Аёлнинг оналигини, бекалигини қадрлайди, шу аснода унга чексиз рағбат, катта ишонч, ўз салоҳиятини намоён этишига улкан имконият берди. Истиқлол билимдон, ташаббускор ва фидойи Аёлни кашф этди.

Бир вақтлар лидер аёллар ҳақида эшитсак, чет эллардаги ҳукумат ишини уддалаётган раҳбар хонимлар кўз олдимиздан ўтарди. Бу кун Ўзбекистонда ҳам чинаккам лидер аёллар кўпайди! Хориждаги улкан анжуманлар минбаридан туриб юртимиз номидан сўзлаётган аёлларга, илғор мамлакатларнинг йирик дорилфунунларида илм олиб қайтаётган қизларга барчамиз ҳавас билан қараймиз. Аёлларнинг турли соҳаларга йўналтирилган уюшмалари, ташкилотлари, қўмиталари, клублари кенг фаолият юритмоқда. Тадбиркор деган атамани ҳам ҳозирги луғатимизга ўзбек аёлининг ўзи олиб кирди.

Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ижтимоий фаоллиги кун саин ошаётир. "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу фармон асосида қабул қилган қарорида эса аёл кишининг илм билан шуғулланиши унинг оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари ва жамиятнинг илмли, маданиятли бўлиши учун мустаҳкам пойдевор эканлигига урғу берилган. Азалдан қолган гап бор: "Эркак илмли бўлса—фарзанд илмли бўлади, аёл илмли бўлса — миллат илмли бўлади".

Аслида биз билимдон ва тадбирли халқнинг фарзандларимиз. Бибихоним, Нодирабегим, Қурбонжон Додхох, Тўмарис, Зебунисо, Гулбаданбегим сингари кўплаб аёллар ўзлари давр тараққиётига улкан улуш қўшганлар. Ташаббускорлик ва шижоатлилик хислатлари бизга яна шу момоларимиздан ўтган. Эндиликда турли соҳа етакчилари орасида аёлларимиз кўп. Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 18 фоизи ҳам аёллардан иборат. Зулфия номидаги давлат мукофотини олаётган қизларимиз-чи? Ҳар бири ўз илмини, талантини жамият келажаги йўлида сарфламоқда.

Истиқлол маҳаллалар ҳаётига мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб кирди. Бу кун маҳаллада оила муаммоларига шахсий масала деб қаралмайди, вояга етаётган ҳар ўғил-қизнинг ҳатти-ҳаракати маҳалла назоратида туради, уларнинг келажагига ҳар бир одам ўзини масъул ҳисоблайди. Зарарли иллатларни йўқотишда маҳалла аҳли биргаликда жон куйдиради, бу борада суҳбатлару учрашувлар ўтказиб борилади.

— Турли мавзудаги тадбирларни деярли кун ора уюштирамиз, бундай йиғинлар айниқса ёшларимиз тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда, — дейди Тошкент шаҳридаги Мирзо Улуғбек тумани ҳокими ўринбосарининг диний маърифат ва маънавий аҳлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зебо Суюнова мен билан суҳбатлашаётиб. — Маслаҳатчи аёлларимиз оилалар ҳаётига чуқурроқ кириб боришаяпти, хонадонлардаги руҳий-психологик иқлимни ўрганишяпти, оналар билан алоҳида сўзлашиб фарзандлар тақдирига оид масалаларни ҳал этишаяпти. Мақсадимиз битта, ёшларимиз турмушга тайёр бўлишса янги оилалар чиройли бўла боради, ажралишларнинг олди олинади, маҳалланинг обрўси ошади. Шу аснода юртимиз ҳам гуллаб-яшнайди.

Ўтган асрнинг бошларида машҳур шарқшунос В.Маскалёв ўзбек аёллари ўртасида тадқиқотлар ўтказади ва улар ҳақида тарихий-этнографик очерк ёзаётиб, хайрат билан шундай сўзларни қоғозга туширди: **"Ўзбек аёлининг табиатида фаоллик, ҳаракатчанлик, қизиқувчанлик ва ақл туғма мавжуддир!"**

Ўзбекнинг ардоқли шоираси Зулфияхоним эса аёл шахсига мана бундай таъриф берган эдилар:

— У олмаган чўққи йўқ, неки,
Аёл ўзи чўққидир бу кун!

Бу — ҳақиқат. Аёл чўққидан туриб ҳам юксакроқ орзу-ниятлар билан яшаяпти. Миллатни асраш, камол топтириш, озод Ватаннинг ҳар қаричини эъзозлаб-авайлаш ва гуллаб-яшнатиш умиди билан меҳнат қилаяпти у. Аёлнинг умидлари қаҳратонда ҳам яшнаб турган майсага ўхшайди, бу майса эркнинг қуёшидан нур эмиб тобора кўкараверади. Ва янада жасоратли бўлиб боради.

Мана шундай жасорат улуғ миллатнинг келажагини яратади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

Қорақалпоғистон Республикаси

Рақс — ҳар қандай миллатнинг ўзига хос жиҳатларини яхлит ва яққол акс эттирувчи санъатдир. Қорақалпоқ миллий рақс анъаналарини ёшларга ўргатишда, ташвиқот қилишда "Айқулаш" миллий рақс дастасининг ҳиссаси беқиёс.

СУРАТДА: қорақалпоқ миллий рақсларнинг моҳир ижрочиси, даста раққосаси Гулистон ҚУСБЕРГЕНОВА.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Хоразм вилояти

Мана 30 йилдан бери "Хива сополи" корхонасида ўнлаб турли хил керамика маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётгани бутун республикага маълум. Бу корхонада мустақиллик йилларида чинни маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлардан беминнат баҳраманд бўлмаган маҳалла, хонадон йўқ, десак янглишмаймиз. Корхонада ҳозиргача 300 дан ошиқ турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилган. Гулдонлар, бодия, лаган, кўза, чойнак-пиёла ва турли хил совғабоп буюмлар.

СУРАТДА: Шу корхона ходими Бикажон Саъдуллаева янги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан.

Қадамбой ОТАЕВ олган сурат.

Андижон вилояти

Тикланган қадриятлар

ЗАРГУЛ – "LG ГРАНТИ – 2005" ҒОЛИБИ!

Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларнинг таълим олишига, ақлий ва ижодий салоҳиятини оширишга, уларни рағбатлантиришга, жамиятда ўз фикр-мулоҳазалари билан фаол иштирок этишини таъминлашга катта эътибор берилаётир. Бу эътиборнинг натижаси ўлароқ, турли лойиҳаларда иштирок этиб, грантларда совринли ўринларни олаётган ёшларимизнинг сони йил сайин ошиб бормоқда.

Маълумки, Ўзбекистонда талаба ёшларнинг билимини ошириш мақсадида ўтказилаётган талай лойиҳалар мавжуд.

Ўтган йили сентябр ойида Жанубий Кореянинг "LG Elektronics Inc" компаниясининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси "Камолат" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "LG Грантия — 2005" ижтимоий лойиҳаси танловини эълон қилган эди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади янги ғояларга интилган, ўзи мустақил равишда илмий тадқиқотлар олиб бориш имкониятини излаётган истеъдодли ва ижодкор ёшларимизни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Танловда Тошкент шаҳридаги барча олий ўқув юртларининг бакалавр ҳамда магистрант талабалари иштирок этиши кўзда тутилган эди. Ғолиблик учун даъвогарлар иқтисодиёт, педагогика, муҳандислик, тиббиёт, молия, ҳуқуқшунослик, журналистика, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, қишлоқ хўжалиги каби ўнта таълим йўналиши бўйича қатнашдилар.

Ана шу талабалар ичидан энг яхши натижани кўрсатиб, ғолиб бўлган ўн нафар талабага "LG Гранти" насиб этди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети III босқич талабаси Заргул Эрназарова табиатан камтар, ўз куч-иродасини, вақтини кўпинча билим олишга сарфлайди. Меҳнатсеварлиги боис у яқинда нуфузли бир грант соҳиби бўлади. Журналистика йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган Заргул Эрназарова ҳам ўша ўн нафар талаба қатори лойиҳанинг 500 минг сўм миқдоридаги пул мукофотини қўлга киритган. Заргул ҳам давлат шартномаси асосида ўқийди. У энди бир йиллик давлат таълим шартномасини тўлашдан озод бўлди. Чунки, ушбу мукофот маблағи талабанинг таълим шартномасини тўлаши учун у таълим олаётган ўқув юрти ҳисоб рақамига ўтказилиши кўзда тутилган.

Жасур КЕНГБОЕВ

ЗАРДЎЗЛАР СЎЗЛАГАНДА...

Азалдан зардўзлик санъати аёл нафосатини ўзида мужассам этган қадимий санъат тури сифатида қадрлаб келинади. Бу санъат тури водий аҳли учун янги соҳа эмас. Лекин миллий ҳунармандчилигимизнинг энг жозибадор ва нафис тури бўлган зардўзликка эътибор шўролар даврида бир қадар сусайиб кетган эди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда халқ ҳунармандчилигига эътибор кучайтирилди, ҳунармандлар яна эл орасида қадр топди. Вилоят миқёсида зардўзлик ишлари кўргазмасининг ташкил этилиши, ҳунармандларнинг кўнглини кўтарди.

Биз кўргазма залларида ўз маҳсулотларини намойиш қилаётган зардўзларнинг сўзларига қулоқ тутдик. Дастлабки суҳбатдошимиз шаҳрихонлик зардўз уста Муяссархон опа Тўхтаева бўлди. У бугунги кўргазмада ажойиб либослари билан иштирок этаётган экан.

— Мен бешинчи авлод вакили ҳисобланаман,— дейди Муяссархон опа. — Онам томондан аждодларим Амир Олимхоннинг саройида зардўзлик билан шуғулланишган экан. Мен шу ҳунарни давом эттиришга ҳисса қўшиб келяпман. Аввал бу ҳунарни қизларимга ўргатдим, ҳозир Шаҳрихон ёшлар марказидаги машғулотларда ёшларга сабоқ беряпман. Бундан ўн йиллар аввал Андижонда зардўзлик билан жуда кам одам шуғулланарди. Ҳозирга келиб шогирдларимиз республика кўрикларида ҳам қатнашадиган бўлиб қолишди.

Кўргазмада барча туман ва шаҳарлардаги чекка қишлоқлардан ҳам ҳунармандлар иштирок этдилар. Улар орасида бу ҳунар билан яқиндан бери шуғулланаётган ёш ҳунармандлар ҳам бор. Кўрғонтепа туманидаги Савай қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Янги бўстон маҳалласида зардўзлик устахонаси ташкил этиб, ёшларга ҳунар ўргатаётган Садбарҳон опа Қосимова шундай фикр билдирди:

— Президентимизнинг тадбиркорларга, ҳунармандларга кенг йўл очиб берганидан фойдаланиб, зардўзлик ҳунарини қишлоқ ёшларига ўргатишни олдимга мақсад қилиб қўйдим, ўтган йиллар ичида ўнлаб шогирдлар тайёрладим. Очиғини айтганда, бугун ўзимизнинг ишларимиздан уялиброқ турибмиз. Бу ерда биздан кўра анча тажрибаси бой уста ҳунармандлар бор эканлигини кўрдик. Уларнинг зардўзлик маҳсулотларини кўриб, ҳали ўз устимизда кўп ишлашимиз зарурлигини тушуниб етдик.

Узоқбой САКСОНБОЕВ,
"Mahalla" мухбири.

СУРАТДА: Андижон шаҳридаги Майдонбозор маҳалласида яшовчи Моҳларойим Қозиева кўргазмада ўзи тиккан бежирим зардўз дўппиларни намойиш этмоқда.

Азаматжон ТОШМАТОВ олган сурат.

АРМОНЛАР

Армон ловуллар юрагимда ўт бўлиб,
Тор қорнингга сиққан танам, вужудим —
Кенг дунёга сиғмас, азобда дилим,
Дардингни ололмай армонда қолдим.
Жон ичра жоним, жаҳоним, онам.

Шоир сатрларин ўқиб дил вайрон,
Изтироб, алам-ла тан олгум минг бор —
Қайда бор сен каби мушфиқ, меҳрибон?..
Ҳамдардинг бўлолмай армонда қолдим,
Суянчим, жаннатим, иймоним, онам.

Қалбимда бир алам, олисда юриб —
Кўзларинг йўлимга қилдим интизор.
Ал қасосул минал ҳақ—энди соғиниб,
Изларинг тополмай армонда қолдим,
Олис йўлга чиққан карвоним, онам.

Азизам, нолонман—меҳрингни қўмсаб,
Дўстга зор бўлганда, кўзимни ёшлаб,
Ул мунис, меҳрибон чеҳрангни эслаб,
Мадоринг бўлолмай армонда қолдим,
Қийналган жонимга дармоним, онам.

Арофат НУРИДДИНОВА,
ҳуқуқшунос.

Раҳматли онам ҳаёт бўлганларида айни кунда 70 ёшдан ошган бўлардилар. Биз фарзандлар илк баҳор байрамини албатта онамизнинг бағрида нишонлардик. У киши набиралар қуршовида шундай завқланардиларки, набиралар ҳам меҳрибон бувилари ёнидан бир қадам жилмай, доимо эргашиб юришарди.

Бугун байрам арафасида Онамизни янада кўпроқ қўмсадик. Дилга таскин бўлармикан деган умидда у кишининг суратларидан фотолавҳа ҳозирладим.

Истагим, кишиларнинг бахтига оналари омон бўлсинлар!

Султонбой ДЕҲҚОНОВ.

Тошкент вилояти
Бекобод тумани.

ЕМАЙ ЕДИРГАНЛАРИМ...

Уруш тугаган йили қўшни хонадонга келин бўлиб тушдим, — деб ҳикоя қиладилар бувим. — Қайнонам ниҳоятда очиқ қўл, солиҳа аёл эдилар. Биз ҳам кўплар қатори ўртаҳол яшар эдик.

Кечки овқат пишар пайтида қайнонам йўқ бўлиб қолар, хиёл ўтмай кўчадан бирон кимсани бошлаб келардилар. Салом-аликдан сўнг, у кишига ҳам овқат қуйиб берар эдим... Ё бўлмаса улушларини идишга солдириб, қизим, фалончи холанг анчадан буён тўшакда, шундан бир хабар олай, кўнгли ярим, деб чиқиб кетар эдилар. Кунлардан бир кун:

— Ўзингиз бемалол ўтириб овқатлансангиз бўлмайдими? — дедим. Шунда қайнонам маъюслик билан жилмайиб қўйдиларда, "Эҳ болам-а, менинг овқатимни кўчадан бошлаб келган одамимга индамасдан қуйиб бергинда, менга чўмичингни ёки қозонингни бер, ялаб бераман, ювишинг осон бўлади", — дедилар.

Бувим ҳикояларидан сўнг маъюс тортдилар, ўйга толдилар.

Оқшом. Ҳар галгидай кечки овқат тайёрланган. Келин ойим ҳар биримизга таомдан суздилар. Оиламиз билан стол атрофига келиб ўтирдик. Аммо бувимлар кўринмадилар. Бир пайт кўча эшик тақиллаб очилди. Қарасам, бувимлар қўлларида тугун олиб, кетиб борардилар...

Зарифахон ЭСОНҚУЛОВА

Хоразм вилояти

Ижтимоий муҳофаза

НАЖОТ — МЕҲРДА, МЕҲНАТДА

Қадамбек ОТАЕВ олган сурат.

Урганч шаҳридаги "Наргиз" кафеси жамоаси ташаббуси билан улар фаолият кўрсатаётган маҳалланинг нафақахўр қариялари ва ногиронлари учун ҳар жума куни текин тушлик ташкил қилиниб, уларга беминнат хизмат кўрсатилмоқда.

СУРАТДА: кафе бошқарувчиси Собиряз Бобожонов ногиронларга алоҳида эътибор ва ғамхўрлик қилиб келмоқда.

...Интизорлик билан кутилган фарзанд майиб-мажруҳ туғилди. Ота-онанинг дарди ичида. Шифокорларга югуради, табиблардан нажот излайди. Қани энди тезроқ тузалиб кетса. Бироқ... Бола эса яшаши керак. Яшаганда ҳам бировнинг қўлига қараб қолмай, бировнинг таънаю дашномларини эшитмай яшаши керак. Ана шу пайтда унга атрофдагилар, қолаверса, тегишли мутасаддиларнинг ғамхўрлиги, эътибори ниҳоятда зарур бўлади.

Баъзида ногирон кишига атрофдагилар қанчалик ғамхўрлик кўрсатсалар, ёрдам таклиф этсалар, у шунчалик ўзини камситилгандек сезади. Шу боис уларга нафақат ёрдам бериш, балки жисмоний имкониятлари доирасида меҳнат қилишлари учун шароит яратиб бериш ҳам муҳимдир. Токи улар ўзларини ногирон, нотавон деб билмасинлар, балки тўрт мучаси бутун кишилар қаторида меҳнат қилишга қодир эканликларига ишонч ҳосил қилсинлар. Аслида ногирон кишилар орасида шундай матонат эгалари борки, улар ҳатто рекордлар ўрнатиб, аҳли жаҳонни ҳайратга солмоқдалар. Икки оёғи йўқ бўлса-да, чўққиларни забт этган альпинистлар, самолётни бошқарган учувчилар, далада кечаю кундуз трактор ҳайдаган Райимжон Ёқубов каби мард инсонларни биламиз. Кўзи ожиз бўлса-да, игна билан романлар битган Вали Гофуровнинг асарларини ўқиганмиз. Ҳамюртларимиздан ташкил топган ногиронлар футбол жамоаси жаҳонда энг кучлилардан саналади. Аньанавий олимпия мусобақаларидан сўнг бутун дунёнинг ногирон спортчилари параолимпия мусобақаларида беллашадилар. Бу мусобақаларда ўнлаб ватандошларимиз муваффақиятли иштирок этаётганлари, айниқса, қувончли ҳолдир.

Шу ўринда афғон урушида иштирок этиб, икки оёғидан айрилган марғилонлик йигит Ҳабибулло Зоҳидовнинг иродасига қойил қолсак арзийди. Аслида жангу-жадалларидан соппа-соғ қайтган кишига ҳаётини бир изга солиш қийин кечади. Ҳабибуллога эса янада қийин бўлди. Лекин у иродасини маҳкам тутиб эр йигитга муносиб ҳаёт кечириш учун курашди. У оддий косибликдан иш бошлаб, бутун вилоятда таниқли тадбиркорлардан бирига айланди. Қиргули шаҳарчасининг Қурувчилар кўчасида хусусий корхона очди. У ерда трактор культиваторлари учун зарур эҳтиёт қисмлар тайёрланяпти. Оқбилол даштидан 20 гектар ерни ижарага олиб, "Оқбилол пальмаси" фермер хўжалигини ташкил қилди. Унинг бош-қошлигида артизан қудуғи қазилиб, даштга сув чиқарилди. Бу ерда ҳозир пахта, буғдой етиштирилмоқда, катта боғлар яратилган.

Ногиронларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш борасида давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан барча зарур шароитлар яратилган. Шу ўринда мурожаат қилган кишининг ногиронлик даражасини аниқлаб, маълум гуруҳ бериш, унга тегишли имтиёзлар тайинлашда асосий масъулият бизнинг ташкилотимиз зиммасида. Шу боисдан ҳам шаҳар ва туманлардаги бўлинмаларимиз фаолиятини тегишли қонуний ҳужжатлар талаби асосида, адолат мезонига амал қилган ҳолда ташкил этишга ҳаракат қилаяпмиз. Афсуски, кўзбўямачилик билан ногиронлик гуруҳи белгилатиб олишга ҳаракат қилувчилар ҳам учраб туради. Биз бундай ҳолатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ҳам белгилаб қўйганмиз ва ходимларимиздан бу тартибларга қатъий риоя этиш талаб этилади. 2000 йилда 42109 киши ногиронлик гуруҳини олиш учун мурожаат қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 31306 нафарни ташкил қилиб, улардан 25527 кишига тегишли ногиронлик гуруҳи белгиланди. Агар бундан беш йил аввал вилоятдаги ҳар ўн минг аҳолига 44 нафар ногирон тўғри келган бўлса, ўтган йили бу кўсаткич тенг ярмига қисқарди. Бу албатта соҳамизда ижтимоий адолат ўрнатилганини, турли таниш-билишчилик, ошна-оғайнигарлик туфайли ёки бошқа йўллар билан "ногирон бўлиш"дек қонунбузарлик ҳолларига барҳам берилганини кўрсатиб турибди.

Меҳр ва мурувват йили моҳиятидан келиб чиққан ҳолда ўтган йили вилоятда кўз катарактаси билан оғриган ва жарроҳликка муҳтож 115 нафар ногиронлар аниқланиб, 102 нафар кишининг кўзи жарроҳлик қилиниб, сунъий гавҳарлар қўйилди. Бу хайрли ишда ҳомийлар кўмагига ҳам суяндик. 810 нафар ногиронлар махсус шифо масканларида соғликларини тиклашга муваффақ бўлдилар. Улардан 437 нафарининг ногиронлик гуруҳлари бекор қилинди ёки қисман енгиллаштирилди. Меҳнат фаолияти тикланган ва ишлашни хоҳловчи ногиронлардан 2997 нафарининг рўйхати меҳнат биржаларига берилди. 1085 нафар ногирон эса протез ва протехортопедия мосламалари билан таъминландилар.

Ушбу Сиҳат-саломатлик йилида тизимимиз фаолияти янада чуқур моҳият касб этмоқда. Биз ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, фаолиятимизни кенгайтириш ва чуқурлаштириш чорасини кўрмоқдамиз. "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури доирасида Комиссия тўшакка михланиб қолган 501 нафар ногиронни уйларида кўрикдан ўтказди. Улардан 436 кишига I-гуруҳ ногирони, 65 нафарига II-гуруҳ ногиронлиги беришни лозим топди. Қолавеса, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари аҳолиси билан ҳужжатларни расмийлаштириш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш борасида мулоқот ҳамда суҳбатлар, тушунтириш ишлари олиб бориляпти. Соғлиқни сақлаш ходимлари билан ногиронлик ҳуқуқини берувчи маълумотларни ўрганиш, атрофлича таҳлил қилиш сингари текшириш ишлари ўтказилмоқдаки, бу ходимларнинг ўз вазифасига ҳалол, виждонан ёндошишини тақозо этади.

Фарғона вилояти

Муҳаммаджон УМИРДИНОВ, вилоят тиббий-меҳнат экспертизаси бош эксперти.

Олам турфа

КЎЗОЙНАК ТАҚҚАН ТОВУҚЛАР

Калифорниялик Рэндалл Уайз аслида компьютерлар ишлаб чиқарувчи фирма соҳиби эди. Лекин унга отасининг амалга оширолмаган орзуси тинчлик бермасди. Шунинг учун у бор нарсасини сотди.

Отаси паррандачилик фермаси хўжайини эди. У 60-йиллардаёқ паррандаларга кўзини хиралаштирувчи пушти рангли кўзойнак тақиб қўйилса, кам дон ейиш эвазига сертухум бўлишини тадқиқ қилган эди. Лекин ўша пайтда фан, техника тараққиёти бугунги даражада эмасди, қисқаси бу иш қимматга тушар эди.

Мана энди Уайз отасининг армонларини ушалтирмоқда. У товуқлар учун кўзойнак ихтиро қилди. Ҳар битта кўзойнак бор-йўғи билан атиги 15 центга тушмоқда. Бир кўзойнакни бир товуқ умрбод тақади.

Ихтирочиларнинг ҳисоб-китобига кўра, кўзойнак келажакда ҳар бир товуқ озуқасидан 50 центлик чегириб қолади, очиқроғи, иқтисод қилади. Агар бу янгилик амалга оширилса, бутун Америкода бир йилда 600 миллион фойда олиш мумкин.

Дарвоқе, 100 минг Америко товуғи ҳозир теварак-атрофга пушти рангли кўзойнак билан қарамоқда. Бу тажриба катта фойда беришига Уайз қаттиқ ишонади.

ҚУЁШ НАФАҚАТ ИСИТАДИ, БАЛКИ СОВУТАДИ ҲАМ

Саудия Аравистонида совуқ ҳаводан фақат орзу қилиш мумкин. Лекин Эр-Риёд шаҳри дорилфунунида қуёш ёрдамида совуқ олишга ўрганишди.

Бунинг учун саккизта қуёш батареясидан озиқланадиган музлатгич ясашган. Унинг икки камераси бўлиб, музлатадиганининг ҳажми 100 литр, совутадиганиники эса 250 литрдир. Музлатгични ишлатишда мабодо, ҳаво булут бўлиб қолса,

(Саудия Арабистонида бундай ҳол жуда кам учрайди) автомобилнинг иккита оддий аккумулятори ҳам бўлаверади. Бу ерда ҳаво ҳарорати Цельсий бўйича +28, +30 даража бўлса ҳам музлатиш камерасидаги ҳарорат минус 3-5 даража бўлади.

М.ИСЛОМОВА тайёрлади.

Жиззах вилояти

НАФОСАТГА ОШУФТА КЎНГИЛ

— Моргузар тоғлари яқинидаги Такатош деган жойда қоятошларга чизилган суратлар бор, деган ғапни эшитганимдан сўнг, бу жойни роса қидирдим. Лекин ҳеч наф чиқмади. Бир куни ўғлимиз билан шу жойларга қўй боқиб бордик. Умарсой, Тангa, Сулибулоқ деган жойлардан ўтдик. Сўнгра техника боса олмайдиган, одам юриши қийин бўлган дарага дуч келдик. Узоқда кўзимизга қоятош кўринди. Бориб не кўз билан кўрайликки, қоятошда ўша биз қидираётган суратлар ярқираб турибди, — дея менга ҳикоя қилади Ғаллаорол тумани Қашқабулоқ маҳалласи оқсоқоли Абдувойид Исоқов.

Ҳа, Моргузар тоғларининг қоятошларида ибтидоий рассомлар томонидан тошларга ўйиб ишланган расмлар бор. Халқ тилида Такатош деб аталадиган бу жойда ҳақиқатдан ёввойи такаларнинг расмлари бисёр. Ойнадай силлиқ, ёвуз кўзлардан пана бу жойда фақат ёввойи такаларнинг эмас, найза отаётган ибтидоий одамларнинг, буқаларнинг, от, эшак ва итларнинг ҳам тасвирлари бор. Бу қояларни 1970 йилда қадимшунос олим қидириб топган. Суратларнинг милоддан аввалги VII асрда чизилганлиги аниқланган. Ҳозир бу ердан инсон қадами узилган.

Абдувойид аканинг асли мутахассислиги — тарихчи-географ. Демак, у Такатошнинг аҳамиятини яхши билади. Суҳбатларда у ҳақда гапириб одамларда қизиқиш уйғотган. Шундан сўнг Такатош билан қизиқувчи олимлар, журналистлар сони кўпайди.

Абдувоҳид Исоқов Маданият қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Қашқабулоқ маҳалласига 12 йилдан бери оқсоқоллик қилади.

— Маҳаллада 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади, — дейди оқсоқол. — Ўтган йили маҳаллада отахонлар учун шинам чойхона қуриб берилди. Бино қурилишига қишлоқ фуқароси Абдумутал Эгамқулов ҳомийлик қилди. Саховатли кишилар, меҳнатсевар аҳоли билан бир қаторда, ушбу бунёдкорлик ишида оқсоқолнинг ҳам хизмати катта бўлди.

Абдувоҳид Исоқовни экологик муаммолар ҳамиша қизиқтиради. Жиззах воҳасининг олтин белбоғи — Сангзор дарёсининг мусаффолиги учун кўп қайғурди. Айниқса, дарё ичидан ўзбошимчалик билан тош, қум, шағал қазиб олаётганларни кўрса, чидаб туролмайди.

— Бир соатда 22 машинага қум ортиб кетишди, — дейди у куйиниб. — Бундай ўзбошимчалик оқибатида дарёнинг ичи паст ташлаб кетади. Эртага сел келса, қирғоқлар емирилади, ариқлар ишдан чиқади, қудуқлар, булоқлар қуриб қолади. Икки марта туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитасига мурожаат қилдим. Энди улардан нажот кутаяпмиз.

Абдувойид ака халқ ишидан қўли бўшади дегунча, жўшқин туйғуларини шеърга солиб, қоғозга туширади. Адабиётимиз тақдири устида қайғуради. У ҳозирда халқ термаларини тўплаш, уларни китоб ҳолида чоп эттириш учун ҳозирлик кўраётган экан.

Пардабой ТОЖИБОЕВ, "Mahalla" мухбири.

Наманган вилояти

Уйчи туманидаги Қизилровот қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Дўстлик маҳалласи чекка ҳудудлардан бўлиб, Учқўрғон тумани билан чегарадош. Масканда ўзбек, қирғиз, қозоқ, татар, рус миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилганлиги сабабли маҳалла байналмилалчи ҳудудлардан саналади.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

1989 та оиланинг 654 нафарини қирғизлар ташкил этади. Маҳалланинг дўстлик деб аталиши ҳам бежиз эмас, албатта. Чунки унда яшаётган ҳар бир миллатнинг урф-одати ҳамда миллий байрамлари бир хилда ҳурмат қилинади, эъзозланади. Эътиборли жиҳати шундаки, тумандаги ягона 45-мактабда турли миллат фарзандлари биргаликда билим олишади.

Шунингдек, туманда Қирғиз миллий маданий маркази фаолият юритмоқда. Бу эса тили ва дини, урф-одатлари бир бўлган ўзбек ва қирғиз халқининг дўстлик, қариндошлик алоқаларида ҳам намоён бўлади. Жуманали Ўрмонов асли Қирғизистондан. У кўп йиллардан буён Охунбобоев ширкат хўжалигида бош агроном вазифасида ишлаган. Айни дамда турмуш ўртоғи Зебихон ая билан 8 нафар ўғил-қиз ва набираларни тарбиялаб, кексалик гаштини сурмоқдалар. Худди шунингдек, Абдумамат Сафаров ва Ўғилой ая, Болтабой Исабоев ҳамда Зекен аялар ҳам ўз турмушларидан мамнун ҳаёт кечиришмоқда.

Маҳалладаги тўй-маросимлар ҳам ўзига хос тарзда ўтади, уларда ҳам ўзбекча, ҳам қирғизча куй-қўшиқларнинг бир-бирига уйғун тарзда янграши тантанага ўзгача руҳ бағишлайди.

Маҳаллада ўтказилаётган ҳар бир тадбир катта шодиёнага айланади. Наврўз ҳамда юртимиз мустақиллиги байрамларининг нишонланиши ҳам фикримизга исбот бўла олади. Байрамга ҳар икки миллат вакиллари жуда катта тайёргарлик кўришади. Байрам дастурхонидан қирғиз ва ўзбек ноз-неъматлари ўрин олади. Қирғиз халқининг миллий ўтови ўрнатилиб, дид билан безатилади. Байрам иштирокчиларини миллий кийимларда кўриб кўзингиз қувонади. Ўзбекча лапару қирғизча куй уйғунлигида маҳалладаги санъат ихлосмандларининг қўшиқ, рақс, ўлан, "Алпомиш", "Манас"ларидан бутун маҳалла аҳли завқ-шавқ оладилар. Бу йилги Наврўз шодиёнасини ўзига хос тарзда ўтказиш учун ҳам катта тайёргарлик кўрилмоқда.

Ана шундай аҳил ва иноқ яшаётган байналмилал маҳалласида етакчи Абдусамат Тўрабоев ўзининг қисқа иш фаолияти даврида бир қатор ибратли ишларни амалга оширди. Маҳалла идораси қайта таъмирланди. Тўхтахон Парпиева, Сотиболди Ўрмонов, Ўскан ҳожи Бобонов, Ғуломжон Бойдедаев каби маҳалла фаоллари ва маҳалла аҳлининг кўмагида Дўстлик қабристони дарвозаси ва деворлари янгиланди. Теракзор кўчасининг 3 километрлик масофасига шағал тўкилди. Аҳоли хонадонига электр симлари ўтказилди. Нодиров кўчасининг орқа томони кенгайтирилди. Бир нечта кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила ҳолидан хабар олиниб, уларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, саховатпеша инсон Ўктамхон Жамолиддинова томонидан Адолат Икромовага телевизор совға қилинди.

— Сиҳат-саломатлик йилида, — дейди маҳаллабоши Абдусамат Тўрабоев, — бир нечта ишлар бажаришни мўлжаллаяпмиз. Янги кўчаларнинг 6-7 километрига шағал ётқизиш, 3 та кўприк ўрнатиш, маҳалла чойхонасини қайта таъмирлаш, 4 минг туп терак, мевали ва манзарали кўчат ўтказиш режалаштирилган. Асосий мақсадимиз эса маҳалла номига мос аҳил яшашдир.

М.КОДИРОВ

Тошкент шаҳри

"4 КАРРА ЙЎҚ !!!"

Аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантиришда дунё халқларига раҳна солаётган ОИТС (орттирилган иммунитент танқислиги синдроми) касаллиги, гиёҳвандлик ва кашандаликнинг зарарли, тузатиб бўлмас асоратлари хусусида кўпроқ маълумотга эга бўлишни тақозо этмоқда.

"Ўзтелерадио" Давлат компанияси ва Ўзбекистон журналистлар ижодий уюшмаси ташаббуси билан бошланган "4 карра йўқ!!!" телемарафони доирасидаги мавзуга қаратилган давра суҳбатлари Оқсоқоллар Кенгаши ва "Маҳалла" жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси, World Vision ЛСА ҳамкорлик дастури, Диний идоранинг шаҳар бўлими ва бошқа ҳамкорлар билан пойтахтнинг қатор маҳаллаларида ўтказилмоқда. Куни-кеча шундай учрашувлардан бири Чилонзор туманидаги Кичик Дўмбробод маҳалласида бўлиб ўтди.

Давра суҳбати қатнашчилари оиланинг муқаддас эканлиги, ота ҳам, она ҳам соғлом фарзандни дунёга келтиришда масъул эканлигини яна бир карра таъкидладилар. Айшу ишрат орқасидан юзага келувчи бедаво касаллик норасида гўдакларимизнинг кўз ёшларига, катталарнинг эса кейинги пушаймондан беадоқ армонларига сабаб бўлаётганлигини куюниб гапирдилар. Айниқса, узоқ йиллар кашандаликка ружу қўйган ва кейинчалик ундан воз кечишга ўзида ирода топа олган отахоннинг аччиқ надоматлари давра қатнашчиларини бефарқ қолдирмади. Маҳалла аҳолиси ва уларнинг юқори синфларда таҳсил олаётган фарзандлари иштирокидаги давра суҳбати қизиқарли саволжавоблар тарзида ўтди.

Бугунги кунда замондошларимиз орасида ОИТС касаллигига чалинган кимсаларнинг борлиги сир эмас. Натижада ногирон ва касалманд боланинг дунёга келиши яна ачинарлидир. Шундай экан жамиятимиз равнақига хизмат қиладиган баркамол авлодни ва генофондимиз софлигини асраш учун барчамиз масъулмиз.

МУХБИРИМИЗ

Суддан сўнг

ТУБСИЗ ТУБАНЛИК

Қоракамар қишлоғидан номаълум аёл жасади топилди. Жасаднинг бўлакларга бўлиниб халтага жойланганлиги қотилларнинг ўта шафқатсизлигидан, айни пайтда ўз қотиллик ҳаракатларининг очилиб қолмаслиги учун ҳам ҳар қанақа ваҳшийликка қўл уришлари мумкинлигидан дарак беради.

Хўш марҳума ким? У қайси қилмишлари, гуноҳлари учун бунчалар ваҳшийликка дучор этилди? Қотилчи? Бу яқин орада, хусусан Қоракамардан аёл кишининг йўқолгани ёки бирор оилада нохуш ҳолат юз бергани ҳақида тезкор хабарлар олинмаган. Демак, қотиллик изини бошқа қишлоқлардан, ҳатто қўшни туманлардан изламоқ керак, деган хулосага келинди.

Махсус гуруҳ тузилди, тезкор ҳаракатлар бошлаб юборилди. Тажрибали изқуварлар ишга астойдил киришдилар ва қотиллар ҳар қанча устамон бўлишмасин, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ходимларининг тажрибаси панд бермади.

Инсонийликни буткул йўқотган, ваҳшийлар аёлнинг қўл-оёқларини тандан ажратиб халтага жойладилар. Тумандаги "Пачкамар" наслчилик хўжалигининг Қоракамар қишлоғи ҳудудидаги тош қазиб олинадиган карьернинг чуқурига ирғитиб, кўмиб ташладилар.

...Шерзод асли Ғузор туманидаги Халқобод қишлоғидан. Тақдир тақозоси билан бир неча йил Тожикистонда яшаган. Қариндош-уруғларникига меҳмонга келганда, бу ернинг анчагина тинч, кун кечириш учун ҳам шароит етарли эканлигини англагач отаси, укасини ҳам етаклаб келди. Уйланди, уй-жойли бўлди.

Кунлардан бирида Шерзод бозорда тожикистонлик эски танишларидан бири Ҳайитгул Элмуротовани учратиб қолди. У тирикчилик важидан бу ерга Тожикистоннинг Турсунзода шаҳридан тез-тез кийим-кечак, турли харидоргир матолар, заргарлик буюмлари олиб келар, бу ердан эса зарарли ҳашоратларга қарши ишлатиладиган "химикат" дорилар олиб қайтарди. Шерзод Ҳайитгулни уйига таклиф этди. Шундай қилиб меҳмон тез-тез келадиган, опа-укалик ришталари ҳам мустаҳкамланадиган бўлди. Опахон қачон келмасин савдо-сотиқ ишларини юритиш, харидорлар топиш борасида Шерзоддан керакли ёрдамни олар ва албатта, унга меҳнатига яраша ҳақини тўларди.

Шерзодга қариндоши Мусулмон Ўроқовнинг "Жигули"си борлиги кўпинча қўл келар, қандай иш чиқмасин кўпинча шерикликда амалга оширишарди. Бир куни Мусулмон Ҳайитгул ҳақида гап очиб қолди.

— Опахонинг тез-тез қадам ранжида қилиб қолди, ишлари вада-вангми дейман? — Катта фойда топаяпти шекилли, гаплари, юриш-туришлари ҳам анча ўзгариб, дадил бўлиб қолди. Сенчи, опахонингга тайёр ҳаммол бўлиб юрибсанми?

— Ҳаммол эмас, опанинг қўли очиқ, меҳнатимга яраша ҳақ бериб турибди. Ҳафа эмасман.

— Ҳе галварс, "қўлдан берганга қуш тўймас" деганлар...

— Нима қил демоқчисан?

— Опахоннинг баҳридан ўт, уни бир ёғлик қил. Қарабсанки, "қозон ҳам мой, чўмич ҳам". Унинг бутун давлати сеники бўлади қолади.

— Ўйлаб гапираяпсанми, Мусулмон? У менга, бутун оиламизга қадрдон бўлиб қолган.

— Яхши, қадрдонингга бир умр мардикорлик қилиб юравер. Сени худо шунга яратган.

Орага анча вақт совуқлик тушди. Мусулмонсиз, аниқроғи, унинг машинасисиз иши юришмайдиган Шерзод кундалик тушумдан ҳам маҳрум бўлди. Ўтирса ҳам, турса ҳам қариндошининг таклифи ҳақида ўйлаб қолди. Уни шайтон йўлдан ура бошлади...

Қариндош йигитлар уни Тожикистондан келишида Сурхондарёга бориб кутиб олиш режасини тузишди. Токи Ғузорга келганини ҳеч ким кўрмасин.

Ҳайитгул телефонда эндиги келишида Деновга тушиб кеч шомгача Ғузорга етиб боришини билдирди. "Айни муддао, бу биз ўйлагандан ҳам дуруст бўлди. Энг муҳими, уни Деновда кутиб олганимизни бирор таниш кўрмаса бас" ўйлашди қариндошлар. Улар ўйлагандек кутиб олиш пайтида ҳеч бир таниш учрамади. Орқа ўриндиққа жойлашиб олган, йўлда толиққан жувонни уйқу элитди, "укалари"га ишониб оёқларини чўзиб олди.

Улар Ғузор туманига етиб келишганда тун яримдан оққанди. Машина Халқабодда тўхтади, қўшни Қамаши тумани томон бурилди. Ҳаммаёқ зим-зиё, кимсасиз саҳрода зоғ ҳам учмайди. Ўн олти қишлоғига етилганда машинага тормоз берилди. Машина силкинишидан уйқудан уйғонган хотин атрофга аланглаб тамоман нотаниш жойга келишганини сезди, шубҳалардан тамоман йироқ бўлсада юраги бир зум ичига тортиб кетди.

— Қаерга келдик, укалар, янглишмадикми?

Жавоб ўрнига кўзи қонга тўлган, қутурган икки девдек йигитнинг қўллари бўғзига ёпишди. Жон талвасасида "Нима қилаяпсизлар, қўйворинглар, бойлик керак бўлса олинглар" деган сўзларни зўрға айтолди.

Тонг ёриша бошлади. Бойлик деб одамгарчиликни тамоман унутган, йиртқич ҳайвон қиёфасига кирган нотавонлар мурдани ташлаб кетиш хавфли эканлигини, сир очилиб қолиши мумкинлигини англашди. Мусулмон машинани тезлик билан уйи томон ҳайдади, жасадни сомонхонага яширдилар. Зудлик билан унинг бўйнидаги, қўлидаги тилла тақинчоқларни, нақд сўмлар, АҚШ долларлари, сотиш учун олиб келинган матоларни бўлиб олдилар.

Жасадни эса... халтага солишди. Қотиб қолган оёқ, қўллар халтага жойлашмай халақит берди. Инсонийликни буткул йўқотган, ваҳшийлар аёлнинг қўл-оёқларини тандан ажратиб халтага жойладилар ва тумандаги "Пачкамар" наслчилик хўжалигининг Қоракамар қишлоғи ҳудудидаги тош қазиб олинадиган карьернинг чуқурига ирғитиб, кўмиб ташладилар.

Ваҳшийлар ўзларича "қор ёғди, из босилди", бу сирни ҳеч ким очолмайди, деб ўйлагандилар. Лекин, қилни қирқ ёрувчи изқуварлар уларнинг хом хаёлини пучга чиқаришди. Суд бир бегуноҳ хотиннинг жонига қасд қилган, унинг 9 миллион 532 минг сўмлик мол-мулкини босқинчилик йўли билан ўзлаштирган Шерзод Тўлаков ва Мусулмон Ўроқовларнинг қилмишларини ўта тубанлик деб баҳолади ҳамда уларни қилмишларига яраша жазолади.

Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ

Эътироф

МУСИБАТДА МАҲАЛЛАМГА СУЯНДИМ...

...Бошимга кутилмаганда оғир мусибат тушди — шифокорлар 29 ёшли қизимнинг бедаво дардга чалинганлигини аниқлашди. Унинг уч нафар фарзанди бор, ҳаммаси ҳали жуда ёш. Улар бир тараф бўлдию, қизим бир тараф бўлди. Жигаргўшам кўз олдимда кундан-кунга нураб, тўкилиб борарди. Саросимада қолдим. "Чиқмаган жондан умид" дея шифохоналарда даволатдим қизимни. Аммо ажал чангалидан уни олиб қололмадик, бағримни бемаҳал ҳувиллатиб кетди, болалари ва мен чирқиллаганча қолавердик...

Шундай кунларда юрагимнинг ўртангани етмагандек, оиламда моддий етишмовчилик юзага келди. Қариндошларим йўқ эмас, бор. Лекин улар олисда яшашади, рўзгор-тирикчиликлари бор, хуллас, менга тиргак бўлолмайди улар. Буни қарангки, менга етти ёт бегона кишиларнинг ёрдами асқотди. Балки еттиёт бегона деб нотўғри айтаётгандирман, маҳалладошларим менга туғишгандек муносабатда бўлишди. Маҳалламиз оқсоқоли Собиржон Абдураҳмоновдан, котиба Донохон Эгамбердиева, маҳалламиз хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси Роҳат Умирзоқовалардан менга ҳамдард бўлганлари учун чексиз миннатдорман. Киши бундай пайтларда ҳатто бир оғиз таскин сўзга ҳам илҳақ бўларкан. Маҳалламиз йиғини, маҳалладошларим менга ҳам моддий, ҳам маънавий қувват бўлдилар.

Анна АЙТАНОВА, Тошкент шаҳри Ҳамза туманидаги Алишер Навоий номли маҳалла фуқароси.

Юртимиз тарихи

СОПОЛЛИТЕПАнинг СИРЛИ ЎТМИШИ

Юртимизнинг беполён ҳудудларида турли замонларда бунёд этилган тарихий-меъморий обидалар билан бирга, табиий ёки сунъий равишда пайдо бўлган жуда кўплаб тепалар мавжуд. Бундай тепалар турли даврларда ҳар хил номлар билан аталиб келинган. Бухородаги Қизилтепа, Самарқанддаги Қоратепа, Сурхондарёдаги Зартепа, Қоратепа, Фаёзтепа, Тошкентдаги Оқтепа ва бошқа ўнлаб, юзлаб тарихий тепалар шулар жумласидан. Муҳими ушбу тарихий тепалар узоқ ўтмишимизни ўрганишда қимматли манбаа бўлиб ҳисобланади.

Сурхондарё вилоятида ҳам бир неча минг йиллик тарихни ўзида мужассам этган қадимий тепалар анчагина. Шу тепалар ичида энг йириги ва қадимийси Сополлитепа ҳисобланади. Сопол буюмлари ўтмишда кўплаб ишлаб чиқарилганлиги ҳамда бу тепа харобаларидан сопол синиқлари топилганлиги сабабли бу тарихий жойни Сополлитепа деб юритганлар. Сополлитепа бронза даври — милоддан аввалги II минг йилликка оид манзилгоҳдир. Қадимий маданият ўчоғи ҳисобланган Сополлитепа ҳозирги Музработ тумани ҳудудида жойлашган. Сополлитепа тўрт гектар атрофдаги майдонни эгаллаган бўлиб, марказий қисмининг бир гектарини баланд қалъа-қўрғон ташкил этган. Қалъа тўртбурчак шаклида бўлиб, атрофи уч қатор мудофаа девори билан ўраб олинган. Деворларининг қалинлиги бир ярим-икки метрни ташкил этади. Деворлар оралиғида 3 метр кенгликдаги қатор ташқи ва ички йўлаклар бўлган.

Қалъанинг ичкарисида ички мудофаа деворларига ёпиштирилиб қалин ва мустаҳкам хом ғиштдан қатор уйлар қурилган. Марказий қисми майдон учун бўш қолдирилган. Ўз навбатида бу майдондан турли мақсадларда фойдаланилган. Қалъанинг тўрт томонидан саккизта кириш дарвозаси бўлиб, уларнинг фақат биттаси, яъни жануб томондагиси ҳақиқий, қолган 7 таси сунъий—алдамчи дарвозалар ҳисобланган. Ушбу сунъий дарвозалар боши берк йўлакларга олиб киради. Боши берк йўлакка кириб қолган ҳар қандай душман тирик қолмаган. Демак, душманни чалғитиш мақсадида атайлаб қурилган бу қалъа дарвозалари Сополлитепа мудофаа тизимида тузоқ вазифасини бажарган, деб хулоса қилади қадимшунос олим Аҳмадали Асқаров.

Бу қалъа-қўрғон текис жойда қурилган бўлиб, унинг ҳамма томони очиқ, стратегик жиҳатдан ноқулай кўринади.Чунки бу ерда мудофаа иншооти вазифасини бажарувчи на тоғ, на дарё ва на чуқур жарлик бор. Мана шу сабабларга кўра, қалъани ҳамма томонидан кучли тарзда қуриқлашган. Сополлитепа манзилгоҳини чуқур илмий асосда ўрганган қадимшунос олим, профессор Аҳмадали Асқаровнинг ёзишича, қалъа деворлари ва турар жой бинолари йирик хом ғиштдан қурилган, деворлари ва поли сомонли лой билан сувалган. Қалъанинг ички майдони тор, кети берк кўчалар ёрдамида 8 та маҳаллага бўлинган бўлиб, ҳар бир маҳаллада оилалар яшаганлар ва уларнинг бу ерда молхоналари, кулолчилик, темирчилик, тўқимачилик устахоналари ҳамда сопол идишларни пиширадиган хумдонлари бўлган. Қалъа ичида жойлашган деярли ҳар бир уйда ўчоқ ва унинг қаршисида супа, баъзи хоналарда эса сандал бўлган. Бу ҳол Сополлитепада ўтмишдаги аждодларимиз жамоаларининг шаҳар типидаги аҳоли яшайдиган манзилгоҳи жойлашганлигини далиллайди.

Сополлитепаликлар азалдан деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва овчилик билан шуғулланиб келганлар, кулолчилик яхши ривожланган. Сополлитепалик ҳунармандлар оддий лойдан сифатли ва жарангдор идиш-товоқлар, коса, лаган, пиёла, чойнак, тоғора, кўза, қадаҳ ва бошқа 40 га яқин сопол буюмлар ясаганлар. Шунингдек, сополлитепаликлар металлдан турли хил қурол-яроқ, меҳнат қуроллари, пичоқ, ханжар, ойболта, найза учлари ясашда ҳам анча тажрибага эга бўлганлар. Бу ерлик ҳунармандлар олтин, кумуш ва мисдан ҳам нозик дид ва юксак маҳорат билан зеб-зийнат буюмлари, хотин-қизлар тақинчоқлари, турли пардоз буюмларини ҳам ясаганлар. Археологик қазиб изланишлар натижасида топилган буюмлар шундан гувоҳлик беради. Сополлитепа қишлоғи Кўҳитанг даралари-нинг булоқ сувлари асосида ҳосил бўлган Ўланбулоқсой атрофида вужудга келган. Ўланбулоқсой ўз ўзани ўзгартиргач, Сополлитепада ҳаёт сўна бошлаган. Унинг аҳолиси эса сувлоқ жой қидириб милоддан аввалги II минг йиллик ўрталарида Шеробод дарёсининг қадимги тармоқларидан бири бўлган Бўстонсой томон аста секин кўчиб ўтиб жойлашганлар.

Шундай қилиб, қадимий маданият ўчоғи ҳисобланган ва бир замонлар гуллаб яшнаган, деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо ривожланган Сополлитепа манзилгоҳи турли сабабларга кўра аста-секин ўз аҳамиятини йўқотиб борган ва кейинчалик харобага айланган. Бу харобалар остидаги ўтмиш тарихи узоқ йиллар, асрлар давомида ўрганилмай киши назаридан четда қолиб кетган.

Фақат XX асрнинг 60-йилларига келиб, Республика фанлар Академияси археология институти ходимлари — тарих фанлари доктори Аҳмадали Асқаров бошлиқ бир гуруҳ қадимшунослар Сополлитепа қалъа-қўрғонида қазиш ишларини олиб боришди. Беш йил давом этган археологик қазиш, ўрганиш давомида жуда кўп бой ва хилма-хил нодир тарихий ашёвий далиллар топилди. Аҳмадали Асқаровнинг илмий хулосасига кўра, Сополлитепа бундан роса 4 минг йил илгари ўтган аждодларимиз жамоаларининг шаҳар типидаги аҳоли пункти бўлган. Олимнинг фикрича, Сополлитепа қалъа-қўрғони мураккаб мудофаа чизиқлари бўйлаб каридорсимон хоналар билан ўраб олинган бўлиб, уларнинг бир қисми қалъа ичкариси билан тор йўлакчалар орқали боғланган, қолган қисмида душманни чалғитиш учун атайлаб ёлғон қалъа дарвозалари қурилган, улар Сополлитепа мудофаа тизимида тузоқ ролини ўйнаган.

Қазиб ўрганиш жараёнида 150 та уй-жой биноси қолдиқлари, 8 та хумдон, 60 дан ортиқ хўжалик ўчоғи, 138 та қабр ва шу каби маданий қазилмалар қадимшунос олимларимиз томонидан пухта ўрганилди. Олимларимизнинг фикрича, ўтмишда Сополлитепа манзилгоҳи ва унинг атрофида ҳаёт гавжум бўлган. Буни қадимшунос олимлар томонидан топилган 700 дан ортиқ дон янчиладиган ёрғучоқ, яъни қўлтегирмони, кели, ғалла сақланадиган омборхона, турли ҳажмдаги хумлар, тош кетмонлар, тоғ қўчқорининг бронзадан ишланган ҳайкали, тошдан ишланган қурбақа ҳайкали, эчки, бургут, йўлбарс, илон, тўқай мушуги сингари ёввойи ҳайвонлар тасвирланган ҳайкаллар исботлайди. Қалъадаги уйлар ости қазиб очилилиши натижасида 138 та қабр топилиб ўрганилди. Олимларнинг хулосасига кўра, оила аъзолари вафот этганда унинг жасади ўз уйи остига кўмилган. Чақалоқ ва ёш болалар жасади эса сопол хумга солиниб деворлардаги токчаларга қўйилиб, усти суваб ташланган. Жасад ёнига эса сопол идишлар, иш қуроллари, озиқ-овқат ва бошқа буюмлар қўйилган. Очилган қабрлардан ипак ва пахтадан тайёрланган кийим қолдиқлари топилган. Бу қимматли топилмалар ипак ва пахтанинг энг қадимги ватани — Ўзбекистон ҳудудида эканлигини яна бир тасдиқлайди. Юртимиз тарихида янги саҳифалар очган бу ноёб топилмаларнинг бир қисми Тошкентдаги Ўзбекистон тарих музейи ва Самарқанддаги Республика маданияти ва тарихи музейида, қолган катта қисми эса Сурхондарё вилояти Шеробод туманида махсус қурилган археологик музейда сақланмоқда.

Рашид БОЙТИЛЛАЕВ

МУНАЖЖИМЛАР ТАЎБИРИ

ҚЎЙ (21.03-21.04)
Мақсадларингиз йўлида режасиз иш кўришингиз доимо сизга панд беришига ҳафтанинг иккинчи ярмида яна бир бор амин бўласиз.

СИГИР(22.04-20.05)
Жиддий масалаларни ҳал қилишда эҳтиёткор бўлинг. Ушбу ҳафтада соғлиғингиз билан боғлиқ муаммолар юзага келиши мумкин.

ЭГИЗАКЛАР (22.05-21.06)
Таваккал ҳар доим ҳам яхши натижа бермаслиги мумкин. Таваккал қилишдан аввал унинг оқибати ҳақида ўйлаб кўринг.

ҚИСКИЧБАҚА (22.06-22.07)
Ҳафта мобайнидаги ножўя ҳаракатларингиз оилада ёки ҳамкасблар билан мулоқотда кўнгилхираликларга олиб келиши мумкин.

АРСЛОН (23.07-22.08)
Бажаришингиз керак бўлган шахсий юмушларингиз бир мунча кайфиятингизни бузади. Мазмунли ҳордиқ сизга фойдалидир.

ПАРИЗОД(23.08-22.09)
Фарзандларингиз ва яқин инсонингиз ҳатти-ҳаракатлари сизни асабийлаштириши мумкин. Сизга мулойимлик зарар қилмайди.

ТАРОЗИ (23.09-22.10)
Оилада юзага келадиган келишмовчилик ва дилхираликлар қай йўсинда ҳал бўлиши сизга боғлиқ бўлиб қолиши мумкин.

ЧАЁН (23.10-22.11)
Ушбу ҳафтада ўйламай гапирган ҳар бир сўзингиз пайт пойлаб юрган душманларингизнинг "ҳужум"га ўтиш хавфини кучайтиради.

ЎҚОТАР (23.11-21.12)
Айни кунларда молиявий муаммоларингизни ҳал қилмаганингиз маъқул. Чунки натижаси кўнгилдагидек бўлмаслиги ҳам мумкин.

ТОҒ ЭЧКИСИ(22.12-19.01)
Хатоликларга йўл қўймаслик учун ҳиссиётларингизга четга сурган ҳолда, ақл билан иш юритишингизни тавсия қиламиз.

ҚОВҒА (20.01-18.02)
Ўз кучингиз ва салоҳиятингизга бўлган ишонч сизни ҳар қандай ноқулай вазиятлардан чиқиб кетишингизда доимо асқотади.

БАЛИҚ (19.02-20.03)
Режаларингиз йўлида манфаатларингизни ўзгалардан устун қўйиш каби нуқсонингиз ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин.

Навоий вилояти

Кармана туманидаги Жалойир қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли маҳаллалар ўзининг энг сара кўчат тайёрловчи миришкор деҳқонлари ва қўли гул ҳунармандлари билан ном қозонган. Йиғин ҳудудида Гурда, Аллон, Юқоригуз, Арабхона ва Шибизон маҳаллалари жойлашган бўлиб, улардаги 3449 та оилада 14373 нафар аҳоли яшайди. Ушбу ҳудудда "Зарафшон", "Маданият" ширкат хўжаликлари ва "Жалойир" фермерлар уюшмаси фаолият кўрсатади. Ташкил этилган 130 та фермер хўжаликлари бугун аҳали турмушини яхшилашда катта хисса қўшиб келаяпти.

БАРҲАЁТ АНЪАНА

Хусусан, "Севдиёр" фермер хўжалиги раҳбари Искандар Усмонов ўтган 2004 йилда Шибизон маҳалласида яшовчи 3964 нафар аҳолини тўлиғича тоза ичимлик суви билан таъминлаб, элнинг дуосини олди. Хайрли иш учун фермер 6 миллион сўм маблағ ажратди. И.Усмоновнинг маҳалласида яшовчи 50 та эҳтиёжманд оилага 150 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилгани ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Ундан ташқари, ҳудудда фаолият кўрсатаётган 14 та боғдорчиликка ихтисослаштирилган деҳқон хўжаликларида биргина 2004 йилда 80 минг дона кўчат пайванд қилиниб, етиштирилган мева кўчатлари тумандаги хўжаликларга, ташкилотларга ва маҳаллаларга етказиб берилди. Жорий йилда эса яна 100 минг дона ана шундай кўчатлар хўжаликлар томонидан тайёрланмоқда. Бу борада, айниқса "Латофат" ва "Икром Султонов боғи" деҳқон хўжаликларининг кўчатчиликдаги тажрибалари қўл келаяпти.

Гурда маҳалласида эса миллий халқ ҳунармандчилиги устахонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги ва харидоргирлиги билан элга манзур бўлаяпти. Бу оилавий устахонада ниҳоятда бежирим эшиклар, бешиклар, дераза ромлари ва чорпоялар тайёрланмоқда.

Менглибой МУРОДОВ,
"Mahalla" мухбири.

Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри 65-мавсумда

ТЕАТРНИНГ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

У зукко томошабиннинг талабидан келиб чиқади

Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри саҳнасидаги парда илк бора 1939 йилда "Майсаранинг иши" томошаси билан Миршоҳид Мироқилов раҳбарлигида очилган. 1940-41 йиллар бастакор Тўхтасин Жалилов раҳбарлигида "Тоҳир ва Зуҳро" мусиқали драмаси халқимизнинг меҳрини қозонган.

Иқтидорли санъаткорлар ижросидаги "Эй қуёш", "Ситора", "Сув келар", "Айирганлар", "Тўйлар муборак" ариялари санъатсеварлар қалбини батамом ром этгани ҳеч муболаға эмас. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мусиқали театрдаги фаолият санъаткордан драматик ва мусиқавий билимга эга бўлишни талаб этади. Чунки бу ерда санъаткор ҳам маромига етказиб куйлаши, ҳам образини ишонарли тарзда ижро этиши лозим. Бундан ташқари мусиқали драма учун саҳна талаблари ҳам ўзига хос: куйловчи актёр овозини аяшга, ҳаддан ташқари ҳиссиётларга берилмасликка мажбур. Чунки куйловчи актёр учун асардаги дуэт, трио, квартетларни ижро этиш учун катта жисмоний куч керак. Шу боис мусиқали саҳна асарда драматик ҳолатлар иложи борича енгилроқ ҳал қилинган. Романтик қаҳрамонларга хос чиройли мезан саҳналар, пафос билан сўзлашлар куйловчи актёрларимизга хос бўлган. Мусиқий спектаклларда баъзида ўнлаб арияларни бир актёр ижро этишига тўғри келади. Дирижёр бошчилигида 30-40 та созандалар, хормейстрлар бошчилигида 30-35 та хор артистлари, балетмейстр бошчилигида 28-30 та раққос ва раққосалар иштироки билангина мусиқий драмани саҳнада тўлақонли жонлантириш имкони туғилади. Демак, куйловчи актёрларимиздан меъёрни билиш, жисмоний кучни мусиқий ва драматик ижро ўртасида оқилона тақсимлай олиш талаб қилинади.

Мусиқий театрдаги ижод қанчалик заҳматли бўлмасин, бу соҳанинг кўплаб дарғалари етишиб чиққанига гувоҳмиз. Халқимизнинг чексиз эҳтиромига сазовор бўлган Лутфихоним ая Саримсоқова, Юнус Ражабий, Тўхтасин Жалилов, Раззоқ Ҳамроевларнинг нафақат саҳнадаги, балки саҳна ортидаги ҳаёти ҳам фидокорона меҳнатда кечган. Айни кунда кўплаб ёш санъаткорларга устозлик қилаётган Фароғат Раҳматова, Ҳусан Шарипов, Равшан Солиҳов, Наима ва Суръат Пўлатовлар каби ўнлаб санъаткорларнинг ижод йўллари ижодкор кишига катта ибрат мактабини ўтмоқда.

Ҳозирги кун томошабини ниҳоятда зукко, фикр доираси кенг, шу боисдан саҳна асарига ҳам ўта талабчан. Ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда театримиз фаолиятини ривожлантириш борасида изланишлар, ўзгача талқинлар бўлаяптики, бу уринишлар қандай бўлишидан қатъий назар, мусиқий театр яшашга интилаётганидан далолатдир. Мусиқий ҳамда драматик иқтидор жиҳатидан бақувват актёрлар сафи кенгайиб бормоқда, ҳатто айтиш мумкинки, баъзи драматик спектакларни ҳам рақобатга чақирмоқда. Мусиқий драма ёзадиган драматургларимиз деярли йўқ ҳисобида бўлган айни кунларда ҳам театримиз жамоаси қизғин ижодий изланишда.

Айни кунда Мукимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театри 65-мавсумини давом эттирмоқда. Театримиз ҳар доим ўз томошабинига эга бўлиб келган ва бундан кейин ҳам ўз томошалари орқали эзгулик уруғини сочаверади.

Боир ХОЛМИРЗАЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

СУРАТДА: театрнинг бир гуруҳ актёрлари.

Бўладиган воқеа

МАЛЛАСОЧ...

Хотиним қўлимдан зил-замбилдай қоғоз халтани олар-олмас бақира кетди:

— Бу нима?!

— У қўлида чироқ шуъласида ялтираб турган тилларанг соч толасини ушлаб, бурнимга тиққудек яқин келтирди.

— Билмадим...

— Билмасангиз, костюмнинг тугмасига қандай қилиб илашди?! Йў-ўқ. Сиз мени алдай олмайсиз. Нега, бу киши бозорга саҳар билан кетиб, тушгача йўқ бўлиб кетди, десам...

"Эвоҳ, қаердан ёпишди экан? Ҳеч бўлмаса шу якшанба яйраб дам олай, дея айтган барча нарсаларини топиб келган эдим. Ўтган якшанбада-ку. "чим-чим" олиб келмабсиз, дея кун бўйи мингирлаб жонимни олган эди. Қандай қилиб жаҳлидан туширсам экан".

— Хотин, мен сен буюрган барча нарсаларни олиб келдим...

Бу гапим ёниб турган оловга керосин сепгандек бўлди.

— Пишириб енг, олиб келган нарсаларингизни!

Мени мунғайиб индамай турганимни кўргач, у баттар тутақди:

— Йўқ, шошманг, сиз. Ҳозир борини бор, йўғини йўқ қиламиз. Менга ростини айтинг. У яшшамагур билан қачондан бери танишсиз?! Ҳар куни учрашсангиз керак? Мен айтдим-а, бу киши кейинги пайтларда нега ишга эрта кетиб, кеч келади, яна тез-тез ўлгур командировкада бўлади, деб...

— Эй, инсон, тушунсанг-чи ахир! Менга бўлим бошлиғи вазифасини ҳам юклашган, деб неча маротаба айтдим. Гоҳ касаба уюшмаси қарорларини, гоҳ бўлим ҳисоботларини ёзишга ҳам тўғри келади. Шунинг учун эрталаб ёки ишдан кейин қолиб ёзишга мажбурман.

— Бекорларни айтибсиз, мени бу билан лақиллатиб бўпсиз! Икки ишда ишлаган одамнинг ойлиги ҳам кўпроқ бўларди. Сизники эса ўша-ўша.

— Ахир, нима қилай, топган пулим командировкада сарф бўляпти. Чунки командировка...

— Вой, яна командировка дейди-я! Малласоч чўнтагимни қоқиб олаяпти, десангизчи!

Қарасам, унга гап уқтиришдан фойда йўқ. Шунинг учун оғзимга талқон солиб олгандек жим туравердим.

— Эртага ишхонангизга бораман, —хотиним жим турганимни кўриб яна ҳужумга ўтди. — Сизни ишдан бўшатиб, ўша манжалақининг сочларини биттама-битта юлмасам, Рўзигул отимни бошқа қўяман!

Шу пайт ҳовлида ўйнаб юрган жажжи қизалоғим ортимдан кириб келди. У этагимдан тортиб сўради:

— Дада, мани қўғирчоғимга лента олиб келдийизми?

— Нима, лента... — Қизимга бурилиб қараб, кўзим унинг қўлидаги малласоч қўғирчоққа тушди-ю, хохолаб кулиб юбордим.

Хотиним аввалига ажабланиб қаради. Сўнгра яна бақира кетди:

— Нимага куласиз? Нимага?! Кап-катта одамнинг болаларидан уялмай кулишики қаранг!

Мен кулишда давом этганча қўлим билан қизчамнинг қўлидаги қўғирчоққа ишора қилдим. Сўнгра ерталаб уни қўғирчоғи билан кўтарганимни ва "қизча"си учун лента олиб келишга ваъда берганимни айтиб бердим.

Бир зумда хотинимнинг юзига қизиллик югурди. У секингина деди:

— Мени кечиринг, дадаси. Барибир мендан бошқа бировни демаслигингизни сезиб турувдим...

Аннамурод ЖУМАҚУЛИЕВ

Тошкент шаҳри

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ

Айни пайтда маҳалла ва мактаблар қошида фаолият кўрсатаётган кутубхоналар китоб фондини бойитиш, уларни замонавий техник қурилмалар билан таъминлаш масаласи барчамизнинг эътиборимизда. Ҳамза туманидаги Виктор Николаевич Сицев номидаги маҳалла кутубхонаси ҳам ана шундай қулайликларга аста-секинлик билан эришмоқда.Ҳозирда кутубхона 5 минг дона китоб фондига эга.

— Биз китобхонларга қулайликлар яратиш мақсадида изланяапмиз, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисаси Клара Мансурова. — Яқинда фондимизда барча китоблар рўйхатини компьютер хотирасига киритмоқчимиз. Ўйлаймизки, бу ташаббусимиз амалга ошиши билан кутубхона хизматчилири учун ҳам, китобхонлар учун ҳам қулайлик туғилади.

Ҳа, кутубхонада яратилган шарт-шароит, кўрсатилаётган хизмат қувонарли ҳолда. Гарчи, бу ерда китоб фонди унчалик кўп бўлмаса-да, мавжуд адабиётлар ўқишлилиги, давр нуқтаи назаридан долзарблиги билан аҳамиятли. Энг эътиборли жиҳати, кутубхона туман ҳокимлиги, "Маҳалла" жамғармаси туман бўлинмаси томонидан доимий равишда янги адабиётлар, қўлланмалар билан бойитиб борилмоқда. Ундан ташқари маҳаллада яшовчи зиёли ва саховатли инсонлар орасида ўз ҳисобидан зиё маскани учун китоб совға қилаётганлари ҳам бор.

Кутубхонанинг кўпгина матбуот нашрларига обуна бўлгани ҳам зийрак ўқувчиларнинг бугунги кун янгиликлари, маҳаллий ва дунё хабарлари билан мунтазам танишиб боришлари учун имкон яратади. Кутубхонага келувчиларнинг аксарият қисмини ёшлар ташкил этади. Бунинг боиси бор албатта. Маҳалла ҳудудида жойлашган 61-умумтаълим мактаби ва 3 та мактабгача таълим муассасалари билан кутубхона ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Кутубхона мутасаддилари ушбу таълим масканларида ўтказилаётган турли тадбирлар, танловлар, спорт мусобақаларига ҳомийлик қилади. Шу билан бирга ўқувчи ёшларда китобга меҳр уйғотиш, уларни кутубхонага чорлашга қаратилган мазмунли суҳбатлар уюштирадилар.

Дилмурод СОДИҚОВ

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 1-ўрта мактаб томонидан 1995 йили Аширметов Собиржон номи берилган 12-синфни тугатганлик тўғрисидаги АО 0242201 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

Тошкентдаги 7-Бизнес мактаби томонидан 1997 йил 11 июлда Нажимова Дилфуза Турсынбоевна номига берилган АС 076337 сонли (рўйхат рақами 67) Диплом йўқолганлиги сабабли бекор ҳисобланади.

"Қишлоқ ҳаёти" газетасининг 2005 йил 1 март сонида "ARKIMPEKS" ҚК номига "Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан берилган 0027557 сонли лицензиянинг бекор қилиниши тўғрисидаги эълон Лицензия топилганлиги сабабли ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Утерянный диплом на имя Эшматова Шухрат Хурсановича выданный Ташкентским комм.-строит.-техникумом в 14.03.1991 г. считать недействительным.

Mahalla
Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Тахрир ҳайъати:
Аъзам ГАДОЙБОЕВ, Акмал САИДОВ, Ниғматилла АБДУЛЛАЕВ, Бобур АЛИМОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Расул РАҲМОНОВ, Мавлуда ҚОСИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари), Бахтиёр РИЗАЕВ, Шухрат РИЗАЕВ, Бехбуд ЖУМАЕВ, Таъна берди КУРБОНОВ, Абдулқодир ХАЙИТМЕТОВ.

Газетанинг навбатдаги сони 16 мартда чиқади.

Газета таҳририят компьютерларида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди. А-2, 2 босма тобоқ.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Тошкент, Матбуотчилар кўчаси 32.

Телефонлар:
Қабулхона — 136-53-93,
Тел/Факс: — 133-44-25,
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62.

10214 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-222 Топширилди — 12345